

ХЕРБСТ АППАРАТИ ВА УНИНГ МОДИФИКАЦИЯЛАРИНИ ОРТОДОНТИЯ АМАЛИЁТИДА ҚОЛЛАНИЛИШИ

Рўзиев Ш. Д.. Магистр

Илмий раҳбар: Нигматов Р.Н. - кафедра мудури

*Тошкент давлат стоматология институти Ортодонтия ва тишларни
протезлаш кафедраси*

Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон

Мавзунинг долзарблиги. Стоматолог учун махсулдорлик, кундалик амалиёт билан шуғулланиш ҳамда яхши ва сифатли натижавийлик 2-синф окклюзиясини даволашда ишлатиладиган олинмайдиган аппаратлар ривожланиши ва турларини кўпайишига олиб келди. Ушбу изланиш Хербст аппаратининг юз-жағ суякларига таъсири, юз профилидаги ўзгаришлар, мускуллар ҳаракати, таянч муаммолари, (мандибуляр кесув тишларпротрузиялари) клиник мураккабликлар, аппарат дизайни ва хирургик даволаш ҳамда Хербст аппарати билан 2-синф окклюзиясини даволаш орасидаги солиштиришлар каби кенг миқдордаги ўргаришларни ўз ичига олади. Хербст аппаратининг таянч воситаси сифатида ҳамда унинг модификацияларини турли-хил даволаш чора тадбирлари учун қўллаш ортодонтияга осонликча кириб келгани йўқ, ундан ташқари бу ҳақда адабиётларда жуда қисқа маълумотлар мавжуд.

Кўзланган мақсад: Ушбу тадқиқотдан мақсад модификацияланган, қуйма шинали Хербст аппаратини ортодонтия амалиётида қоллаш ва уни таҳлил қилиш.

Материаллар ва услублар: Барча беморлар ишлари тафсилотлари ТДСИ Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедрасидаги ортодонтия амалиётларидан олинган. Ортодонтик даволаш мезонларида Хербст аппарати ва уни модификацияларидан фойдаланиб даволаш ўз ичига олинди. Модификация турлари, рақамлари ва қанчалик тез учраб туриши беморларнинг файллари, рентген тасвирлари, расмлар ва моделлар асосида келтириб чиқарилди. Клиникада ва амалиётда барча беморларда Хербст аппаратининг қуйма шинали шаклидан фойдаланилди. Ўртача ёш $15.6 \pm 5.61.53.3\%$ беморлар аёл жинсли ва 46.7% беморлар эркак жинсли, Хербст апапрати билан даволанаётган беморлардир.

Модификация тури, индивидуал модификацияларни учраш тезлиги ва сони, беморларнинг хужжатлари, рентген тасвирлари, моделлари, расмлардан фойдаланиб аниқланди.

Олинган натижалар: Кундалик ортодонтия амалиётида 12% ҳолатда Хербст аппаратидан фойдаланилади, шу миқдорнинг 18% модификацияланган ҳолатда. Хербст аппаратининг юқори таянч сифати ҳамда куч-таъсир геометрияси 2-синф окклюзиясини классик даволаш чора-тадбирларига қўшимча равишда жуда ҳам мос келади. Пастки жағ чайнов тишларидистализацияси учун 27% (12та) беморларда Хербст аппарати дистализация механизми билан биргаликда ишлатилган. 15% беморларда (7та) пастки жағ чайнов тишлари орасидаги масофани қисқартириш мақсадида таянч воситаси сифатида ишлатилган. Масофани сақлаб туриш учун 9% (4та) беморларда бар

конструкцияси ишлатилган ва 7% (3та) ҳолатда Ҳербст аппаратида дистопияланган тишларни теккизлашда фойдаланилган. Бир аппаратда кўп қисмли модификацияларни учраш ҳолати 11% ни (5та) ташкил этди. Ушбу вақт давомида университет тиббиёт марказида кўп қисмли модификациялар ва Ҳербст аппаратининг куadroҳеликс аппарати билан комбинатсияси мавжуд бўлмади.

Хулоса. Кундалик ортодонтия амалиётида 12% ҳолатда Ҳербст аппарати қўлланилади ва шунинг 18% модификацияланган туридир. Ҳербст аппаратининг юқори таянч функцияси, 2 -синф окклюзияси даво- чора тадбирларида, вақт ва пул тежамкорлиги билан бирга кўп функциялик таянч вазифасини малга ошириш имконини беради. Ҳербст аппарати даволаш чора- тадбирига қараб индивидуал модификация ҳолатига ҳам келтирилиши мумкин. Даволаш жараёни ўсмирлик давридан кейинги даврга тўғри келадигон бўлса даволас учун кетадиган вақтни қайта кўриб чиқиш керак. Кўп қисмли модификация имкониятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Режалаштирилган пастки жағ моляр тишлар мезиализатсиясида вақтинчалик таянч аппаратлари Ҳербст аппарати каби бимаксилляр олинмайдиган аппаратлардан кўра кўп вақтлардан бери фойдаланиб келинмоқда.

Адабиётлар

1. Арипова, Г., et al. "РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ РАЗЛИЧНЫХ ФОРМ ДИСТАЛЬНОЙ ОККЛЮЗИИ У ОРТОДОНТИЧЕСКИХ ПАЦИЕНТОВ С УЧЕТОМ ТИПА РОСТА ЧЕЛЮСТЕЙ." Медицина и инновации 1.4 (2021): 421-425.
2. Tulyaganov, Dilshat U., et al. "In Vivo Evaluation of 3D-Printed Silica-Based Bioactive Glass Scaffolds for Bone Regeneration." Journal of Functional Biomaterials 13.2 (2022): 74.
3. Нигматов, Р., Арипова, Г., Муртазаев, С., Насимов, Э., & Рузметова, И. (2014). Определение цефалометрических норм узбекской популяции (населения Узбекистана). Stomatologiya, 1(3-4 (57-58)), 73-78.
4. Kovalenko, L. I., et al. "DARST. UND TRENNUNG VON EXO-UND ENDO-1, 3-DIMETHYL-BICYCLO (2, 2, 1) HEPTAN." Chemischer Informationsdienst. Organische Chemie 1.33 (1970): no-no.
5. Шомухамедова, Ф., et al. "ОЧИҚ ИСИРКЛИ БЕМОРЛАРГА ТАШХИС ВА УЛАРНИНГ ОРТОДОНТИК ДАВОЛАШ." Stomatologiya 1.1 (78) (2020): 37-40.
6. АРИПОВА, ГАВХАР ЭРКИНОВНА, and ШАХНОЗА РАСУЛЖАНОВНА РАСУЛОВА. "ПОДХОД К ЛЕЧЕНИЮ ПАЦИЕНТОВ С ДИСТАЛЬНЫМ ПРИКУСОМ С УЧЁТОМ ТИПА РОСТА ЧЕЛЮСТНЫХ КОСТЕЙ." МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко 11.S1 (2022): 414-415.